

* Спорт

* Спорт

* Спорт

Яқинда Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясида спорт журналистлари билан суҳбат бўлиб ўтди. Шу мавзуга ушбу журналнинг матбуот йиғинларидан у бир неча жихатлари билан фарқ қилади.

Биринчидан, матбуот йиғинини, одадагидек, федерация раҳбарлари эмас, балки Ўзбекистон терма жамоаларининг мураббийлари ташкил этдилар.

Иккинчидан, илгариларидан фарқли ўлароқ терма жамоалар олдида турган муаммолар рўйроқ айтилди. Ҳар қандай давлатнинг фахри ҳисобланган миллий, олимпия, ёшлар терма жамоалари мураббийларини нималар қийнамоқда?

Ўтказган ИСОҚОВ, футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоалари бошлиғи:

● Мирзохид ҒУЛОМОВ, Олимпия терма жамоасининг бош мураббийси:

— 1994 йили XXVI Олимпия ўйинлари финалига йўлланма олиш учун саралаш баҳсларида қатнашимиз лозим. Лекин ҳалигача уларнинг қачон ва қандай тартибда ўтказилишидан беҳабармиз.

● Раҳим МҲМИНОВ, Ёшлар терма жамоасининг бош мураббийси:

— Республика футбол федерацияси бизни ҳам боши берк кўчага олиб кириб қўйди. 1995 йили ёшлар терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақалари бошланади. Лекин биз ҳам ҳалигача мажбур учрашувларда кимлар иштирок этади, ўйинчиларнинг ёши қандай бўлиши керак, қолаверса,

Оқибатда, туркменистонликларга қарши терма жамоамиз тўрт асосий ўйинчиси — А. Абдураҳмонов, Р. Забиров, У. Рўзимов («Навбахор»), Р. Абдуллаев («Темирйўлчи»)ларси майдонга тушишга мажбур бўйди. Натияжада, талаба бой берилди. Ваҳоланки, дуранг натижа ўзбекистонликларга бош совринни эгаллаш имконини берарди.

Шу йилнинг 6—13 июнь кунлари Эронда, Покистон, Ироқ, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва мезбонлар терма жамоалари ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Унга республикамиз вакиллари ҳам тақдир этилганлар. Афсуски, федерациянинг маъсулиятсизлиги, ҳар бир қўлай имкониятдан фойдаланиб қолганини истамаслиги оқибатида вакилларимиз Эрон, сафарига бормоқдалар. Аксича, уларга Марғилон ва Бекобод шаҳарларида биринчи лига (71) жамоалари билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, тажриба ортириш имконини яратиб беришни лозим топдилар.

Албатта, республика футбол федерацияси ҳам «моддий жиҳатдан бадавлат эмас, асосий маблар давлат жисмоний тарбия ва спорт комитети томонидан ажратилади, лекин мураббийларни илмий-услубий қўллаб-қувватлаш, фильмотекалар билан таъминлаш учун қандайдир имкониятлар топиш мумкин. Қарангки, Раҳим Мўминовнинг айтишича, федерация Австралиядан ўтказилган ёшлар терма жамоалари ўйинлари ёзилган видео кассетани сотиб олиб беришга ҳам (7—8 минг сўм) имкон тополмаган.

Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясининг Бош котиби Салом Шамхурматовнинг айтишича, молиявий ёрдам олиш ҳақидаги ҳужжатлар тегишли идораларга топширилган, бу масала бир ярим ой ичида ҳал этилиши лозим. Ўйлашимиз, 17 ой кутган терма жамоалар яна бир ярим ой сабр-тоқат қила оладилар.

Лекин бизни яна бир масала ўйлантирмоқда. Ҳурматли Бош котибининг таъкидлашича, республика ёшлар терма жамоаси олимпия ўйинбосарлари бидим юрти, Олимпия терма жамоаси Ўзбекистон миллий олимпия комитети, миллий терма жамоаси Давлат спорт комитети ихтиёрида, топширилган, аммо уларга республика футбол федерацияси ҳам раҳбарлик қилармиш.

Бундай мантиқсиз фикр кимдан чиққани бизга қоронғу. Ваҳоланки, бундан икки хулоса чиқариш мумкин.

Биринчиси, ҳар бир терма жамоанинг ўз раҳбар ташкилот бўлар экан, у ҳолда футбол федерациясининг орага суқулишининг нима ҳолати бор?

Иккинчидан, терма жамоалар бир-бирини йиллар давомида ўйинчилар билан таъминлаб, ўзаро ҳамкорлик қилиб борадилар. Уларни бўлиб юборишдан ким қандай манфаат топади? Барча терма жамоалар бошини ягона ташкилот қўшида бириктириш мақсадга мувофиқ эмасми?

Шухрат АРМОН.

* Ошқора мулоқот

ФУТБОЛ МУРАББИЙЛАРИНИ НИМА ТАШВИШЛАНТИРМОҚДА?

— ЎЗБЕКИСТОН Республикаси футбол федерацияси иккунчи йилнинг 1992 йил январидан қарорига мувофиқ миллий ва Олимпия, 1993 йилнинг мартда эса ёшлар терма жамоалари ташкил этилди. Жамоалар раҳбарлари ўзларига бидирилган юксак ишончдан руҳланиб, қатор муаммоларнинг кундан-кунга бўлиб тургани қарамай иштиёқ билан ишга киришиб кетдилар.

Айниқса, март ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада риволантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини клублар мураббийлари, чарм тўп ишқибозлари, мухасиблари каби терма жамоалар раҳбарлари ҳам беҳад қувонч билан кутиб олдилар.

Лекин, афсуски, терма жамоалар олдидаги муаммолар қанчалик ўзинга қўйиб бормоқда.

● Рустам АҚРОМОВ, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси:

— У ёки бу мамлакатдаги футбол тараққиётига унинг терма жамоалари мисолида баҳо берилади. Хоржики давлатларда биринчи навбатда миллий шарафни халқаро майдонда ҳимоя қилаш билан биргача ҳар қандай шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилинади. Чунки терма жамоа миллат фарри, унинг шони, шухратидир. Бизда-чи?

Назаримда, Ўзбекистон футбол федерацияси ички чемпионатининг юқори савияда ўтишидангина манфаатдор кўрилади, чоғи. Масалан, футбол федерацияси ҳалигача Осиё конфедерацияси томонидан ўтказилган мусобақалар, учрашувларнинг аниқ жадвалига эга эмас.

саралаш мусобақаси қачон ўтказилади, деган саволларга жавоб тополмай сарсонмиз.

Ваҳоланки, терма жамоалар бундай ирриқ мусобақаларга йиллар давомида зўр бериб тайёргарлик қўладилар...

Шундан сўнг мураббийлар терма жамоаларнинг 1998 йилги жаҳон чемпионати, 1996 йилги Олимпияда ўйинлари, ёшлар жамоаларнинг Осиё ўйинларига тайёргарлик дастури тузиб чиқилган, лекин футбол федерацияси мажбур дастурга кўра ўртоқлик учрашувлари ўтказилиши лозим бўлган мамлакатлар федерациялари билан келишувга эга эмаслигини таъкидлаб ўтдилар.

Мураббийларнинг бунчалар куйиниб сўзлашида жон бор, албатта. Чиндан ҳам республика футбол федерацияси эҳтимол, ўзи истамаган ҳолда терма жамоаларга ортиқча муаммолар туғдирмоқда.

1992 йилги «Осиё Кубоги» турнирини эсланг. Хорикга бориш учун маблар йўқлигидан Марказий Осиё давлатлари терма жамоалари ўртасида ушатирилган мажбур турнирда Ўзбекистоннинг биринчи ўринни эгаллашга ҳеч ким шубҳа қилмасди. Раҳибларидан ҳар жиҳатдан устун бўлган ҳамюртларимиз федерация раҳбарларининг ташкилий ишлари нотўғри йўлга қўйилгани бос етти расмий учрашувдан фақат биттасигагина баъча етакчи ўйинчиларни олиб бормоқдалар, холос. Ашгабат шаҳрида ўтказилиши лозим бўлган ҳал қилувчи ўйин кун эса Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан «Навбахор» — «Темирйўлчи» жамоалари ўртасида Республика Кубогининг финал учрашувини ушатиришга қарор қилинди.



24-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби шахримизнинг Бектемир туманида футбол кўрсатиб келмоқда. Бу ерда қатор спорт турлари билан бир ўринда футбол «ғунча»ларини тарбиялашга катта эътибор бериляпти. Бунинг футбол тўғрисидаги ўзидангина 17 гуруҳ борлиги неботлаб турибди.

СУРАТДА: бош мураббий А. Лошников шогирдлари билан.

Усмон Усмонов суратлари.

©

Қуръа ташланди

КУНИ кеча Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясида мамлакат кубогининг нимчорак финалида учрашадиган жамоаларнинг дастлабки ўйини қайси майдонда ўтказилиши аниқлаш ниятида қуръа ташланди.

Шундай қилиб, 20 июнь кунини қўйидаги жамоалар майдонга тушадилар (ўйинлар номи биринчи бўлиб ёзилган жамоа майдонда ўтказилади):

«Навбахор» — «Политотдел», «Сурхон» — «Наврўз», «Сўғдиёна» — «Трактор», «Орол» — «Динамо», «Пахтакор» — «Янгир», «Чирчиқ» — «МАСИ», «Олмалиқ» — «Атасечки».

Такорий ўйинлар 25 июнь (МАСК — «Чирчиқ» 24 июль) кунини бўлиб ўтади.

«Насфа» — «Нефтич» жуфтлиги 4, 7 июль кунлари майдонга тушадилар.

Матбуоти «Пахтакор-79» хотира турнирининг ярим финал баҳсларида тўрт гуруҳ қўйилган — «Пахтакор», «Нурафшон», «Сўғдиёна», «Навбахор» жамоалари чиққан эдилар.

Қуръа ташлаш йўли билан 7 август кунини Жиззахда «Сўғдиёна» ва «Навбахор», Бухорода «Нурафшон» ва «Пахтакор» куч синашадиган бўлди.

Шокир ЗУХУРОВ.

* Спорт

Жаҳон биринчилиги олдидан

ТОШКЕНТАДАГИ «Динамо» спорт залида самбо бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати (аёллар ўртасида) Осиёда бўладиган жаҳон биринчилиги олдидан ўзига хос синов вазифасини ўтади, миллий терма жамоа таркибини қайта қўриб чиқиш имконини берди.

Гарчи бу йилги чемпионатда 1992 йилги жаҳон биринчилиги (катталар ўртасида) бронза медали совриндори Неля Кимова, ўсмирлар ўртасида мутлақ ғолиблигини эгаллаган Наталья Куприя, Юлия Янина ва кумуш медали соҳибни Шоира Тошпулатова, Елена Тулупова, Ека-

терина Зайцевалар маҳорат кўрсатиб ўз вази тоифаларида ғолиб чиққанликларни одадий ҳолдай қабул қилинган бўлсада, 60, 64, 72 килограммгача бўлган спортчилар орасидан янги истеъдодлар, тошкентликлар Е. Великанова, Е. Пулатова, чирчиқлик И. Лазереванинг бўй кўрсатиб қолгани қувончлидир.

Умумжамоа ҳисобида қатнашчилар қуйидаги тартибда жойлашдилар: Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Самарқанд вилояти.

Шукур ЗОХИДОВ.

* Спорт

* Спорт

* Жиноят жазосиз қолмайди

ОҚ ҚИЛИНГАН АКА-УКА

Халқининг оқолишталлигини ўйлаган икки ишлар идоралари бор экан жиноятчи қазонда қўтилиб кетолмайдилар. Бунинг муқаддас судланган ака-ука Расул ва Равшан Аҳмедовлар мисолида кўрамиз. Улар назоратсизлиги туфайли ҳеч қандай ишлардан ўзларига «каса» қилиб олган жиноятчилигини давом эттириб юрардилар. Ёнг ачинарлиси, ака-укалар хавфли жиноятларни содир этишда устаси фаранг ва ҳеч нарсадан тап тормайдиган бўлиб кетганлиги, уларнинг сиз билан бизнинг оралида нафас олиб юрганлигида на бирор қўни-қўшни, на ота-онаси икки ишлар идораларига хабар бермаганлигини қандай изохлаш мумкин?

Расул ва Равшан жиноятчи шериклари билан тил бириктириб дўконда сотувчи бўлиб ишловчи Карима Шокирова ундан олиб чиқишди, зўрлаб КАМАЗ автомашинасига миндиришди. Улар Сергели тумани ҳудудидан ўтувчи Чирчиқ дарёси қирғоғига олиб келишиб олдиндан тайёрланган арқон билан қўл-оёғини боғлаб, оғзига сўм суртилган махсус қороз ёпиштиришди. Ундан шу ва қимматбаҳо буюмлар талаб қилишди.

Карима қанчалик зорланмасин, ўйдаги норасида болаларини ҳақиқатдан озор берманг, деб таллимасин ака-ука галма-гал аввал тошброн қилиб, кейин пичоқ уриб, қийноқ билан ўлдирдилар. Суд-тиббидек экспертизаси хулосасига кўра, ака-ука қотиллар жами 35 марта пичоқ урганликларни аниқланди.

Ака-укалар бу билан чекланмади. Кариманинг бойликлари қизқиртирди чоғи, унинг уйига йўл олди. Улар шериклари билан марҳума К. Шокирова уйига келиб, ягона гувоҳ Кариманинг 9 ёшли қизи Иродани аввалига йўқ қилмоқчи бўлишди. Қўздан қон томаётган ваҳший қотилларни кўрган Ирода қўрқиб кетиб эшикка отилди. Ака-укалар қизанинг бу ҳаракатидан кейин уни қийнашга тушадилар. Нақадар оғир бўлсада, уларнинг қилмишларини ёзишга мажбур бўлдик. Расул ва Равшан қизанинг номунига тегадилар, унинг ҳаётига зомин бўладилар.

Қотиллар уйни тинтувга тушиб, тикув машинаси, 420 сўм пул, иккита шиппак, «Наполеон» ва «Белий аист» коньякларини, 4 та аёллар кўйлагини, костюм ва ёмғир-пўшгача қолдиришмайдилар. Ҳатто, мурда бўйидаги олтин занжирни олишни ҳам эсдан чиқаришмайдилар. Ёнг даҳшатлиси шуки, улар ҳонада ухлаб ётган марҳума Кариманинг икки ёшли Умидбек исмли ўғлини қўриб, унинг устидан қўлфлаб чиқиб кетадилар. Яхшиям, сувсиз ва очликдан зорланиб ётган Умидбекни икки кундан сўнг, милиция ходимлари эшикни синдириб киришиб, ҳаётини сақлаб қоладилар.

Ака-ука қотиллар бир неча бошқа оғир жиноятларни ҳам содир этадилар. Одамларни тунайдилар, турли хил ўғирликларга қўл урадилар. Аммо, бузоқнинг ютуғини сомонхонагача деганларидек, улар икки ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Яқинда Тошкент шаҳар суди ака-ука қотиллар Расул ва Равшан Аҳмедовлар иштини қўриб чиқди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам энг олий жазо — отишга ҳукм қилинди. Улар билан жиноятчиликлари содир этишда қатнашган бошқа жиноятчилар ҳам қаттиқ жазоландилар. Ака-ука қотилларни онаси суд залида оқ қилди.

Лекин оназор фарзандларига вақтида яхши тарбия берганида, воғна етганида назорат қилиб, ўқиб ва ишлашнинг қуватиб турганида юқоридики муҳаббат фожиа билан туғадиган жиноятни содир қилувчи бўлиб етишмасиди, деган фикр ҳаёлимиздан ўтди...

Обидин АЛИБОВЕ, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.

* Билиб қўйган яхши

ЯРИМТА ОТИЛ ЧАВАНДОЗ

БАРОН Мюнхгаузеннинг гаройиб саргузаштларини ўқигансиз, албатта. Унинг от миниб тургани, ярми йўқ оти сув ичиб ҳеч тўймаётгани тасвирланган сурат ҳам ёдингиздадир. Бироқ худди шу манзара асосида чавандознинг ҳайкали ҳам яратилганини биласизми?

Шуни айтиб ўтиш керакки, барон Мюнхгаузен буткул тўқима образ бўлмай, тарихий шахсдир. У 270 йил муқаддам Германиянинг Ваденверлар шаҳрида туғилган. Юқорида тилга олинган ҳайкал унинг уйи олдидаги хил-бонгга ўрнатилган.

Ҳозир бу бинода шаҳар ратушаси, Мюнхгаузен музейи жойлашган. Музейнинг қўллаб қўргазмалари бароннинг аjoyиб ҳаёти, гаройиб саргузаштлари ва гоёт тўғрисидаги ҳақиқат ҳикоя қилади.

БИРИНЧИ ТЕРМОС

БУНДАН 85 йил муқаддам березинлик ишасоз Рейсаль Бурчерга суюқ ҳай-ерлаш вазифаси топширилди. Бу вазифа айнан унга топширилгани ажабланишга эмас, чунки бундан сал аввал Бурчер биринчи ренген трубкасини яратишда қатнашган эди.

Ишасоз деворлари икки қаватли ва кумушланган ишша шар ясади ва деворлар орасидан ҳавони суриб олди. Кейин Бурчер бу идишга уйдан олиб келинган қайноқ «шар» суюқ ҳавонини эмас, балки иссиқлигини ҳам бемалол «сақлар» экан.

Кейинчалик бу идиш цилиндр шаклига ўтиб, термос деб аталадиган бўлди.

Воҳид ВАЛНОВ.

ИХТИРОДАН СЎНГ

ОДАМВОТ микроб ва бактериялардан жуда қадим замонлардаёқ, бундан 4-5 минг йил муқаддам фойдалана бошлаган. Қадимги Мисрдаги деворий суратларда узумдан вино тайёрлаш тасвирланган. Езма манбаларда нон ёпиш, пиво пилиш, сирка ва сут маҳсулотлари тайёрлаш жараёнлари баён қилинган.

Бироқ минглаб йиллар давомида кишилар бу жараёнларда микробиология иштирок этишини билмасган. Микроскоп ихтиро қилингандан кейингина бу аjoyиб митти жониворлар кайфияти, уларни ўргатувчи микробиология фани юзага келди.

Бундан тахминан 300 йил муқаддам тасвирин 300 марта катталаштириб кўрсатган микроскопни яратган голланд олими А. Левенгук

микробиология оламига илик бор сафар қилган. У тадқиқотлари мобайнида бактерия на аччиқи замбуруғларни тошган.

Микробиология фанининг асосини, ўтган асрда япани машҳур француз олими Луи Пастер ҳайван ва одамлардаги касалликларга ҳамда биология жараёнига микробиологиянинг сабаб бўлишини аниқлади. У «биктириш» — кислородсиз ҳаёт демокдир» деган доно фикр соҳибидир.

Пастер одам ва ҳайвонлар танасига касаллик қўзғатувчи микробиологиянинг кучсиз қисмини юбориб (эмал) усулини яратди. Юқумли касалликларга қарши курашда бу усул жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Айбар АЛИНОВ.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОМАЛАР

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ

Табий газдан фойдаланувчи Собир Раҳимов туман аҳолиси эътиборига

ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Ўрта босими газ қувурдаги зулфинлар алмаштирилиши муносабати билан

18 июнь кундуз соат 12.00 дан 15.00 гача

ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ГАЗ БЕРИШ ТЎХТАТИЛАДИ:

«ТошМИ клиника психохонаси» қозонхонаси.

Ҳаққа йўлдаги чўчқачилик макмуи.

ТошМИ ётоқхоналари ва газ тақсимлаш пунктлари.

«ТошМИ» турар жой даҳасидаги турар жой бинолари, коттежлар, газ тақсимлаш пункти.

ТошДУ, ТошМИ, ТошПИ турар жой бинолари ва газ тақсимлаш пункти.

Верунийобод даҳаси ва хусусий хонадонлар.

Геологларнинг турар жой бинолари.

Қамарнисо кўчасидаги турар жой бинолари.

Тошмухамедов даҳаси, турар жой бинолари.

Мирзо Ғолиб кўчаси, турар жой бинолари.

Форобий кўчаси, турар жой бинолари.

Белтепа даҳаси, турар жой бинолари.

Наврўз кўчасидаги Ленин номи касалхона.

ТОШМУХАМЕДОВ, В. ЖУМАЕВ ва «5-МАВЗЕ» даҳаларида

ГАЗ БОСИМИ ПАСАЯДИ

ҚАЙТАДАН ГАЗ БЕРИШ БОШЛАНГАНДА ҚУШЕР ВА ЭЪТИЁТКОР БЎЛИНГ

«ИВЕРСОН» ДЎКОНИ

ЕЗГИ САВДО-СОТИҚЛАР

НАРХЛАР 15-30

ФОИЗ ПАСАЙТИРИЛГАН



ИВЕРСОН

Машҳур Европа фирмаларида тайёрланган озиқ-овқатлар, алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар. Ёшт ва қолбаси маҳсулотлари, ярим тайёр шўрвалар, ҳайвон ёғи ва ўсимлик мойи, лосось (қизил) икраси, қайдалар ва зирворлар, болалар овқатлари, печенье, конфетлар, шоколад, қахва, чой, арақ, коньяк, шампань, вино, пиво, шарбатлар ва бошқа кўпгина маҳсулотлар.

ФАҚАТ БИЗДАГИНА 500 хил номда озиқ-овқатлар ва ичимликлар бор.

ФАҚАТ БИЗДАГИНА! учинчи мамлакатларда, яъни Хитой, Польша ва ҳоказоларда ишлаб чиқарилган эмас, балки ўзимизда мустақил равишда ишлаб чиқарилган «Абсолют», «Мартини» арағи ва бошқа ичимликлар ҳамда маҳсулотлар бор.

ФАҚАТ БИЗДАГИНА савдода 15 хил навадги пишлоқлар, 30 хил номдаги арақ, вино, виски ва джин (ғалладан қилинган арақ)лар, 40 хил номдаги ширин хушбўй спиртли ичимликлар, 20 хил номдаги пиво мавжуд.

ФАҚАТ БИЗДАГИНА БАРҚАРОР ВАЛОТА ВА СЎМЛАРДА ҲАҚ ТЎЛЛАНАДИ. БИЗДАГИ НАРХ-НАВОЛАР БУ ЕРДА ТАВСИЯ ЭТИЛАВТГАН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЮКСАК СИФАТИГА МУНОСИБДИР.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Совет кўчаси, «П-1» мавзеси, 32-уй («Болалар дунёси» универсал дўкони ёнида, қурилиш «ТАТА» ҳинд ЛЕФОНЛАР: 33-35-61, меҳмонхонаси рўпара-33-91-93.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

Италияда ишланган 2 хил қўриқчидаги аjoyиб ётоқхона қаритурлари сотилади. Телефонлар: 24-43-10, 74-22-33.

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-савдо «Тибтехника» корхонаси жамоаси ностандарт буюмлар ишлаб чиқариш цехининг бошлиғи Нуриддин Хайрутдинович ХАЙРУТДИНОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми

</